

Индонезиядаги ҳаж нархи АСЕАН давлатлари орасида энг арзон деб топилди



12:32 / 07.02.2019 1667

Бу ҳақда IQNA хабар бермоқда. Индонезия Дин ишлари вазирлиги Ҳаж ва умра хизматлари бош мудир Рамзон Ҳариссменнинг маълум қилишича, 2015–2018 йиллар орасида олиб борилган тизимли ишлар натижасида Индонезияда ҳаж қийматини Малайзия, Сингапур ва Брунейдан кўра паст нархларда ушлаб туришга эришилган. Масалан, Индонезияда сўнгги йилларда ҳажнинг умумий нархи 2235 долларни ташкил этган. Бунга ҳукумат томонидан ҳожиларга қўшимча 400 доллардан берилиши ҳаж харажатларининг қисқаришига олиб келган.

Маълумот учун, Индонезия аҳолиси сони 2017 йил ҳолатига кўра, 264 млн. нафарни ташкил этади. Аҳолисининг 87.17 % и мусулмонлардир. 2018 йилда Индонезиядан дунё мамлакатлари орасида энг кўп ҳожи, яъни 168 000 нафар киши ҳаж зиёратига бориб келган. Уларнинг ҳар бирига йўл ҳақи учун ҳукумат томонидан 400 доллардан ёрдам пули ажратилган.

Islom.uz портали тахририяти